

**БИРИНЧИ РЕНЕССАНС ДАВРИДА
ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ:
ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК
ЛАВҲАЛАРИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ

**БИРИНЧИ РЕНЕССАНС ДАВРИДА
ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ:
ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК
ЛАВҲАЛАРИ**



«Фан» нашриёти
Тошкент 2026

1»
ia
1г
а-
га
с-
а,
он
ит,
й-
р-
ор,
об
и-
ат
и,
ш
эн
ин-
ia.
й-
да
да
е-
ни
ик
ги,
н-
да

ига
ton-

уЎК 94(575.1)“08/12”:930.1
ВВК 63(5Уз6)41

**Биринчи Ренессанс даврида Ўзбекистон шаҳарлари: тарих ва тарихшунослик
лавҳалари** [Матн] / Мустафаева Н.А. ва бошқалар – Тошкент: «Фан» нашриёти, 2026.
– 356 бет.

Масъул муҳаррир

Мустафаева Нодира Абдуллаевна – тарих фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Агзамова Гулчеҳра Азизовна – тарих фанлари доктори, профессор
Каримова Сурайё Убайдуллаевна – тарих фанлари доктори, профессор

Мазкур жамоавий монографияда IX–XII асрларда Ўзбекистон ҳудудида шаҳарлар тараққиёти ва бу жараёнга таъсир кўрсатган омиллар, уларнинг тарихий аҳамияти, шаҳар маданияти каби масалалар тарих ва тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилган. Ушбу илмий нашр **ПЗ-20170927396**-рақамли «Ўзбекистон ҳудудида мусулмон Ренессанси даврида шаҳар цивилизацияси: тарихшунослик таҳлили (XIX аср охири – XXI аср)» амалий гранти доирасида бажарилган бўлиб, унда XIX аср охири – XXI асрларда Ўзбекистон ижтимоий-гуманитар фанларида қўлга киритилган натижаларига урғу берилган. Ушбу асарда Биринчи Ренессанс даврига хос шаҳарлар ривож, улардаги илмий-маърифий муҳит ва маданий жараёнлар ҳозирги кунда Ўзбекистондаги замонавий тараққиёт стратегиялари билан уйғун ҳолда тадқиқ этилган. Бу эса Учинчи Ренессанс даврида илм-фан ва маърифат ривожининг назарий-методологик асосларини чуқур англашга хизмат қилади.

*Мазкур монография Ўзбекистон ФА Тарих институти Илмий кенгашининг
2026 йил 6 январдаги навбатдан ташқари йиғилиш қарори
баённомасига асосан нашрга тавсия этилди.*

ISBN 978-9943-19-756-5

© «Фан» нашриёти, 2026

шувлар»га бағишланган бўлиб, муаллифлар тарих ва тарихшунослик нуқтаи-назаридан шарқшунослик, археология, санъатшунослик соҳаларида қўлга киритилган натижалар, муаммолар, ютуқларни таҳлил қилдилар, Ўзбекистон мустақиллик йилларида ўтмиш тарихий-маданий меросига янгича муносабат-нинг ҳуқуқий асосларга тўхталдилар, хорижда, хусусан замонавий араб тарих-шунослигида бу масалаларга ёндашувларни ёритишга ҳаракат қилдилар.

Мазкур монографиядаги қисмлар қуйидаги олимлар томонидан тайёрланди: т.ф.д., проф. **Мустафаева Нодира Абдуллаевна** (Кириш, I бўлим 1.12, 1.13, II бўлим 2.5, 2.7, 2.9, 2.11, хулоса); т.ф.д., проф. **Анарбаев Абдулҳамид** (I бўлим 1.1); т.ф.д., проф. **Мухамедов Неъматулло Асатуллаевич** (I бўлим 1.2); т.ф.н., доц. **Маликов Азим Маннанович** (I бўлим 1.3); т.ф.ф.д (PhD), доц. **Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич** (I бўлим 1.4); т.ф.ф.д (PhD), доц. **Болтаев Аъзам Ҳомидович** (I бўлим 1.5); **архит.ф.д.**, проф. **Аббасова-Юсупова Мавлуда Аминжановна** (I бўлим 1.6); сан.ф.н., доц. **Абдуллаев Машариб Сайдаматович** (I бўлим 1.7, II бўлим 2.5); т.ф.д., проф. **Машарипов Қудрат Юлдашевич** (I бўлим 1.7, II бўлим 2.5); т.ф.д., проф. **Бекмирзаев Илҳом Исроилжонович** (I бўлим 1.8, 1.9); т.ф.н., доц. **Мамадалиев Хусниддин Муйдинович** (I бўлим 1.10, II бўлим 2.10); т.ф.д., проф. **Шамсиддин Сирожиддин ўғли Камолиддин** (I бўлим 1.11); т.ф.д. **Пуговкина Оксана Геннадьевна** (II бўлим 2.1, 2.5.); т.ф.н., к.и.х. **Шомукарамова Феруза Шокировна** (II бўлим 2.3, 2.4, 2.8); т.ф.н., доц. **Раджабова Диляра Назаровна** (II бўлим 2.1); т.ф.д., доц. **Таниева Гулдона Мамановна** (II бўлим 2.1); т.ф.ф.д (PhD) **Тўхтаева Малика Сайдирахаловна** (II бўлим 2.6.); т.ф.ф.д (PhD) **Назарова Саодат Тауфиқовна** (II бўлим 2.9. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати).

Ўйлаймизки, «Биринчи Ренессанс даврида Ўзбекистон шаҳарлари: тарих ва тарихшунослик лавҳалари» китоби тарихий мерос ва замонавий тараққиёт ўртасидаги узвий боғлиқлик асосида Учинчи Ренессанс даврига қадам қўй-ган Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, илм-фан ва маърифат тараққиёти, шунингдек, мамлакат ҳаётида кечаётган туб ва стратегик ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англашга хизмат қилади. Асар мутахассислар, тадқиқотчилар, талабалар, шунингдек, Ўзбекистоннинг ўрта асрлар тарихи ва маданий мероси билан қизиқувчи кенг китобхонлар ом-масига мўлжалланган.

1.2. Шош – Биринчи ренессанс даври илмий-маданий марказларидан бири

Тошкент шаҳри ва воҳаси Марказий Осиёдаги кўҳна ўлкалардан бўлиб, унинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Чирчиқ дарёсининг серунум ва обод марказий қисмига жойлашган Тошкент Марказий Осиёда қад кўтарган қадимий шаҳарлардан бири бўлиб, у 2200 йилдан ортиқ тарихга эга. Кўп минг йиллик тарихи давомида Буюк Ипак йўлидаги бу шаҳар коммуникация жиҳатидан Мағрибу Машриқни, жануб ва шимолни том маънода боғловчи муҳим манзил ҳисобланган ва Турон, Туркистон, Марказий Осиё заминидаги марказ сифатида эътироф этилган. Бугунги кунда жаҳонда ва минтақада Тошкент йирик бир метрополияга айланиб бораётган пайтда унинг ўрта асрлар тарихи, маданиятини ўрганиш ва тадқиқ этиш долзарб мавзулардан бири саналади.

Маълумки, IX–XII асрларда Марказий Осиёда илм-фан ва маданият, айниқса, Ислом илмлари тараққий қилган. Хоразм, Сўғд, Фарғона, Шош воҳаси ва бошқа шаҳарлар Ғарб билан Шарқдаги мамлакатларни бир-бирига боғловчи Буюк Ипак йўлида жойлашганлиги учун маданий жиҳатдан бирмунча ривожланган ўлкалардан саналган. Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Термиз, Хива, Шош (Тошкент) каби қадимий шаҳарлар Ислом дунёсидаги илм-фан ва маданият марказлари сифатида машҳур бўлган.

Шош воҳаси Марказий Осиёдаги энг обод ўлкалардан бирига айлангани араб муаррихлари томонидан эътироф этилган. Жумладан, Ибн Ҳавқал Шош воҳасини шундай таърифлаган: «Хуросон ва Мовароуннаҳрда бу каби жомеъ масжидлари кўп, обод ва фаровон қишлоқлари, қурилган иншоотлари кўп бўлган ўлка йўқдир»²⁷. Истахрий унинг бу сўзларини тасдиқлаган: «Шош ва Илоқда дарвозали шаҳарлар, деворлар, работлар, бозорлар ҳамда шаҳарда ариқлар кўпдир»²⁸.

Ёзма манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида воҳанинг ижтимои-иқтисодий, маънавий-маданий ҳаёти раванқ топиб, бу даврда Шош йирик ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ марказига айланган. Воҳада темир ҳамда мисдан турли буюм ва асбоблар, ёғочдан асбобускуналар, майший аҳамиятга эга буюмлар – эгар-жабдуғлар, ип, ипак газламалар ва бошқа ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Ўз навбатида, Шошда бошқа мамлакатлар билан савдо-сотиқ муносабатлари яхши йўлга қўйилган. Бу эса воҳада ишлаб чиқарилган ҳунармандчилик

²⁷ Абуль Касым ибн Хаукаль. Пути и страны / Перевод Е.К.Бетгера // Труды САГУ. Археология Средней Азии. – Т., 1957. – С. 22.

²⁸ Истахри // BGA (3 Bibliotheca Geographorum Arabicorum.) VII. – P. 332–333.

маҳсулотларининг бошқа ўлкаларга тарқалишида муҳим аҳамият касб этган. Айниқса, Шош ҳунармандлари томонидан ясалган камон, ўқ-ёйлар нафақат Мовароуннаҳрда, балки Шарқ мамлакатларида «Камони Шоший» номи билан машҳур бўлган²⁹.

IX аср охири – X аср бошларидан Тошкент Ислом маънавий-маданий та- раққиётининг йирик марказига айланди. Бу ерда ҳам халифаликнинг марка- зий ҳудудларига хос бўлган маънавий юксалиш рўй берди³⁰. Ислом маданияти адабиёт, санъат, фан, фалсафа, ахлоқ, урф-одат, таълим-тарбия кабиларнинг барчасига ўз таъсирини кўрсатди. Марказий Осиё халқларининг бой маданий анъаналари нафақат бу ердаги, балки бошқа музофотлардаги мусулмон мада- нияти ривожига ҳам катта таъсир кўрсатди.

Айрим манбаларда юртимизда, умуман Марказий Осиёдаги маданият ривожини Ислом дини билан боғлаш одати мавжуд. Аслида эса, минг йил- лар давомида жаҳон савдо йўллар чорраҳаси – Марказий Осиё минтақаси- да ўзига хос бой маданият мавжуд бўлган. Ўрта асрларда илғор маданият, илм-фан худди айнан Марказий Осиё ҳудудида ривожланиши ва кейинчалик Бағдод академиясининг шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнагани таби- ий ҳолдир. Ўрта асрдаги сайёҳлар, олимлар ва муаррихлар X–XII асрларда Ўрта Осиё Шарқдаги бошқа мамлакат ва ўлкалар ичида ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маданий жиҳатдан ривожланган минтақа бўлганлигини эътироф этишган.

Тошкент – ўрта аср араб манбаларида Шош деб номланиб, тафсир, ҳадис, фикҳ, тилшунослик илмларида кўплаб таниқли олимларни етиштириб бер- ган. Бу ерда туғилиб, фаолият кўрсатган кўплаб буюк зотлар, олимлар «Шо- ший» нисбаси билан бутун дунёга танилганлар. Уларнинг ҳаёти, фаолияти илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур тадқиқ қилиш алоҳида аҳа- миятга эга. Шош воҳасида ҳадис илми ривожланган. Воҳада яшаб, фаолият кўрсатган муҳаддислар нафақат юртимизда, балки турли Шарқ мамлакатла- рида ҳам шуҳрат қозонган.

Шош воҳаси олимларнинг Ислом маданияти ва илмлари ривожига алоҳи- да ўрин тутган. Шош воҳасида ўрта асрларда Ислом илмлари бўйича фаолият юритган 100 дан ортиқ олимлар номлари аниқланган. Жумладан, ишончли муҳаддис сифатида танилган Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шоший (ваф. 947), «Ҳазрати Имом» деб улуғланган Абу Бакр Қаффол Шоший (904–976) ҳамда «Фахр ул-ислом», «ал-Имом ал-кабир» номларига сазовор Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший (1038–1114) номларини алоҳида қайд этиш мумкин.

²⁹ Қаранг: Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент. – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 45.

³⁰ Алимова Д., Филанович М. Тошкент тарихи (қадимги даврлардан бугунги кунгача). – Т.: ART FLEX, 2009. – Б. 42.

Абу Саъид ал-Хайсам ибн Кулайб аш-Шоший (туғилган санаси номаълум, ваф. 335/947) – йирик муҳаддис. Унинг тўлиқ исми – Абу Саъид ал-Хайсам ибн Кулайб ибн Сурайж (баъзи манбаларда Шурайх деб келтирилган) ибн Маъқил аш-Шоший ал-Бинкасий ат-Туркий ал-Адибдир. Хайсам ибн Кулайб Шоший Шош (Тошкент) музофотининг бош шаҳри Бинкасда туғилган. У ҳижрий учинчи асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳадис илми ривожланган олтин даврда униб ўсган.

Хайсам Кулайб Шоший илммаърифат ўрганиш мақсадида Бухоро, Самарқанд, Насаф ва Термиз каби шаҳарларда бўлиб, буюк муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий ва бошқа таниқли муҳаддислардан сабоқ олган. Ҳ.К. Шоший ўз илмини янада ошириш мақсадида хорижий юртларга ҳам сафар қилган. Жумладан, Балх шаҳрида Закариё ибн Яҳё ибн Асад ал-Марвазий, Исо ибн Аҳмад ал-Асқалоний, Бағдодда Аббос ибн Муҳаммад ад-Дурий, Яҳё ибн Жаъфар аз-Забарқон каби машҳур олимлардан таълим олган. Унинг устозлари жуда кўп бўлиб, элликдан ортиқ машҳур олиму машойихлардан ҳадис ўргангани ҳақида манбаларда маълумотлар бор.

Хайсам ибн Кулайб Шошийнинг энг машҳур устозларидан термизлик буюк муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, маккалик Абул Ҳасан ал-Бағовийларни кўрсатиш мумкин. Ўз навбатида, Хайсам ибн Кулайб Шоший кўплаб шогирдлар етиштирган. Улар орасида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Манда ал-Исфаконий, Абулқосим Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Хузоъий, Абу Наср ал-Бухорий ал-Калабозий, Мансур ибн Наср ибн Абдурахим ас-Самарқандий каби таниқли олимлар бор.

Шошлик муҳаддис илмий фаолиятининг аксар қисми Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида кечган, чунки унинг кўп шогирдлари шу шаҳарларда яшаган. Хайсам ибн Кулайб Шоший умрининг охири йиллари Бухорода истиқомат қилиб, кейин Шошга келган ва ҳижрий 335 (милодий 947) йилда вафот этган. Ўрта аср араб муаллифлари юртдошимиз номини «Имом аш-Шоший» дея эҳтиром билан тилга олиб, уни ҳадис илмининг машҳур алломаларидан бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишган.

Имом аш-Шошийнинг биз авлодларга қолдирган «ал-Муснад» («ал-Муснад ал-Кабир») номли асари тўлиғича ҳадисларга бағишланган. Бу асарнинг ягона қўлёзма нусхаси яқин вақтгача Суриянинг Дамашқ шаҳридаги «аз-Зоҳирия» кутубхонасида 277-рақам остида сақланган, кейинчалик Дамашқдаги нодир қўлёзмалар сақланадиган «Мактабат ал-Асад» номли кутубхонага ўтказилган. 192 варақдан иборат ушбу қўлёзма ҳижрий 558 (милодий 1163) йилда хаттот ал-Ҳофиз Зиёуддин ал-Муқаддасий томонидан насх хатида кўчирилган. Ушбу

Тафсир, фикҳ, ҳадис ва адабиётга доир турли манбаларда Қаффол Шошийнинг асарларидан жуда кўп иқтибослар келтирилади³⁴. Бу илмий эътирофлар эса унинг Ислом илмлари бобида етук аллома эканлигини кўрсатади.

Қаффол Шоший ва унинг илмий фаолияти нафақат Шарқ олимлари, балки Ғарб тадқиқотчиларининг ҳам эътиборини жалб этган. Машҳур немис шарқшуноси К. Броккельман, буюк рус олими В. Бартольдлар алломанинг илмий меросига юксак баҳо беришган.

Кўҳна Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида жойлашган Имом Қаффол Шоший зиёратгоҳи бевосита у зотнинг номлари билан боғлиқ бўлиб, халқ орасида «Ҳастимом» (Ҳазрат Имом) деб аталади. Марҳум муфтий Зиёуддинхон ибн Эшон Бобоҳон ҳазратлари бу ҳақда шундай деганлар: «Имом Қаффол Шоший номлари билан шуҳрат қозонган Ҳастимом маҳалласи ўз замонасида Тошкентнинг диний, илмий, маънавий ва маърифий маркази сифатида донг чиқарган». Шунинг учун ҳам асрлар давомида «Ҳастимом» деб юритиб келинаётган жой номи у зотга нисбатан юксак эҳтиром намунасидир.

Умуман олганда, Шош мусулмон ренессанси даврида илмий-маданий марказга айланди. Бунда шубҳасиз «Шоший» нисбасидаги олимлар алоҳида ўрин эгаллаган. Муҳими, кўҳна Шош (Тошкент) маънавий, маърифий ва илмий салоҳияти билан Ислом маданиятининг ажралмас қисми экани тарихий манбаларда ўзининг ифодасини топган.

1.3. IX–XIII асрнинг бошларида Самарқанд: шаҳар тузилиши ва диний таълим муассасалари

Самарқанд жуда бой ва қадимий тарихга эга. Самарқанд жаҳон шаҳар-созлиги тарихида чуқур из қолдирган қадимий масканлардан саналади. Илк Ислом даврида Самарқанд халифалик шаҳарларидан бири бўлиб, мусулмон дунёсида қоғоз ишлаб чиқариш маркази, Муҳаммад пайғамбарнинг (с.а.в.) амакиваччаси – Қусам ибн Аббос дафн этилган жой сифатида танилган эди. 819–820 йилларда маҳаллий зодагонлар вакили Сомоннинг набиралари (Асаднинг ўғиллари) халифа Маъмун (813–833) олдидаги хизматлари учун қатор Марказий Осиё вилоятлари бошқарувини қўлга киритди. Кейин эса бошқарув Наср ибн Аҳмаднинг қўлига ўтди. У 875 йилда оила бошлиғи сифатида халифа Мутамиддан (870–892) бутун Мовароуннаҳр бош-

³⁴ Прозоров С. ал-Каффал // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. – М.: Восточная литература, 2000. Вып. 2. – С. 46; Лыкошин Н. Помяните первоучителя // Народный университет. 1918 года, 14 мая, № 9. – С. 1.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
-------------	---

I БЎЛИМ. БИРИНЧИ РЕНЕССАНС ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ, ШАҲАРСОЗЛИК АНЪАНАЛАРИ ВА МАНБАЛАРИ

I.1. Ахсикат – Биринчи Ренессанс даврининг йирик шаҳри	11
I.2. Шош – Биринчи Ренессанс даври илмий-маданий марказлардан бири	19
I.3. IX–XIII аср бошида Самарқанд: шаҳар тузилиши ва диний таълим муассасалари.....	26
I.4. «Банокат-Шохрухия» Қорахонийлар даври тангалари хазинаси.....	39
I.5. IX–XII асрларда Бухоро шаҳри тарихий топографияси (И.И. Умняков ва М. Саиджонов тадқиқотлари мисолида)	46
I.6. IX–XIII аср бошида Ўзбекистон шаҳарлари меъморчилиги	61
I.7. IX–XIII аср бошлари Хоразм шаҳарсозлиги: шаклланиши ва ўзига хосликлар	79
I.8. X–XII асрлар ижтимоий муносабатларида шаҳарларнинг ўрни	84
I.9. X–XII асрлар Мовароуннаҳр ҳанафий фикҳ мактаби асосларини ўрганишнинг илмий-амалий аҳамияти	92
10. Марказий Осиё шаҳарлари тарихини ўрганишда IX–XIII асрларда араб тилида ёзилган географик асарларнинг ўрни.....	101
I.11. Абу Саъд Самъонийнинг «Китоб ал-ансоб» асари ўрта аср Марказий Осиё шаҳарлари ҳақида маълумот берувчи муҳим манба	112
I.12. IX–XII аср Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг асарларида шаҳарлар тавсифи.....	119
I.13. «Худуд ул-олам» асарида Мовароуннаҳр ва унинг шаҳарлари ҳақидаги маълумотлар	128

II БЎЛИМ. XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XXI АСР ТАРИХШУНОСЛИГИДА БИРИНЧИ РЕНЕССАНС ДАВРИ ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ: ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР ВА ЁНДАШУВЛАР

II.1. Ўзбекистон ҳудудида Биринчи ренессанс даври шаҳарлари тарихига доир рус шарқшуносларининг илмий хулосалари.....	133
II.2. IX–XIII аср бошлари Хоразм шаҳарсозлиги: манбашунослик ва тарихшунослик таҳлили	156
II.3. XIX асрнинг иккинчи ярми – 1917 йил Туркистон ўлкасида биринчи Ренессанс даври шаҳарларининг археологик жиҳатдан ўрганилиши.....	164
II.4. X–XII аср Моваруннаҳр шаҳарларининг совет даври археологиясида тадқиқ этилиши.....	176
II.5. IX–XII аср Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётининг совет даври адабиётларида ёритилиши	226
II.6. Моваруннаҳр шаҳарларида ҳунармандчилик ва амалий санъат масалаларининг совет даври адабиётларида ўрганилиши	244
II.7. Хоразм Маъмун академияси XX аср иккинчи ярми – XXI аср Ўзбекистон тарихшунослигида	262
II.8. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўрта аср шаҳарларининг археологик ўрганилиши.....	268
II.9. Ўзбекистон мустақиллик йилларида ўтмиш тарихий-маданий меросига янгича муносабат ва ҳуқуқий асосларнинг яратилиши	278
II.10. IX–XIII асрлар бошлари Марказий Осиё шаҳарлар тарихининг замонавий араб тарихшунослигида ўрганилиши: қарашлар ва таҳлил.....	299
II.11. Биринчи ренессанс даври Марказий Осиё шаҳарлари хорижлик олимнинг янги тадқиқотида	313
Хулоса	319
Фойдаланилган асосий адабиётлар рўйхати	321

БИРИНЧИ РЕНЕССАНС ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ: ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК ЛАВҲАЛАРИ

Муҳаррир Олимжон Жумабоев

Дизайнер Муродилло Раҳмонов

Мусахҳиҳ Султонбой Аллонов

Саҳифаловчи Сардор Раҳимов

1385



«Фан» нашриётида
нашрга тайёрланди ва чоп этилди.
Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани,
Мирзо Улуғбек кўчаси, 81-уй.
Тел.: +99899 7917555

28.04.2026 йилда босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими 84×108 $\frac{1}{16}$, «Good Pro» гарнитураси.
Шартли босма табағи 22.5. Адади 300 нусха.
Буюртма рақами № 10-26. Баҳоси шартнома асосида.